

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДУРДИЕВ ЖОНИБЕК ИСМАТОВИЧ

**НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ
МАВЖУД БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АЪЗОЛАРИ СУЯК ТИЗИМИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ МОРФОМЕТРИК АСОСЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дурдиев Жонибек Исматович

Нафас олиш тизими сурункали касалликлари
мавжуд болаларда тиш-жағ аъзолари суяк тизими
шаклланишининг морфометрик асослари 3

Дурдиев Жонибек Исматович

Морфометрические особенности формирования
органов костей зубочелюстной системы у детей
с хроническими заболеваниями дыхательной системы 23

Durdiev Janibek Ismatovich

Morphometric features of the formation of bone
organs of the dentition in children with chronic
pathologies of the respiratory system 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДУРДИЕВ ЖОНИБЕК ИСМАТОВИЧ

**НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ
МАВЖУД БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АЪЗОЛАРИ СУЯК ТИЗИМИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ МОРФОМЕТРИК АСОСЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.PhD/Tib1435 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Олимов Сиддиқ Шарифович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар

Боймуродов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шукурова Умида Абдурасуловна
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот

Урал давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» январ кунини соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоний шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоний шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» январ кунини тарқатилди.
(2022 йил «5» январ даги 05 рақамли реестр баённомаси)



А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юз чиройи аҳамиятли психосоциал омил ҳисобланган ҳолда, инсонларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Юз кўп жиҳатдан инсоннинг жозибасини белгилайди, шунингдек идентификация ва новербал коммуникациянинг асосий воситаси ҳисобланади. Адабиётларда келтирилган статистик маълумотларга кўра, “...63% болаларнинг ташқи кўринишлари билан боғлиқ муаммолар уларнинг болалик ҳаётига, 37% да эса – ижтимоий ҳаётига салбий таъсир қилишини аниқлашган”¹. Муаллифлар “...тана, пастки жағ соҳаси ўсишининг жадаллашуви, шунингдек унинг олдинга чиқиши 11, 14, 15 ёшда кузатилади, организмнинг умумий ўсиши дажадаллашув 7, 12-13 ёшда намоён бўлишини ва бошнинг сагиттал диаметри шунингдек бир хил ортиб боришини аниқлашган”². Нафас олиш тизими сурункали касалликларида узоқ вақт оғиз билан нафас олиш натижасида юз-жағ суяклари ўсишида қатор бузилишлар сони сезиларли даражада ўсиши аниқланган. Ёшга боғлиқ ҳолда юз-жағ суяклари ўсишида нафас олиш тизими сурункали касалликлари юзнинг сагиттал ва вертикал ўлчовларига таъсири, уларнинг конфигурацияси ўзгаришларига олиб келиши ушбу патологик жараёнлар таъсирини баҳолашни ўрганиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида нафас олиш тизими сурункали касалликлари мавжуд болаларда юз-жағ соҳасида бўладиган ўзгаришларни аниқлаш, ўлчов кўрсаткичларини баҳолаш ва олдини олиш чора татбирлари олиб бориляпти. Тиш-жағ тизими ҳамда юқори нафас олиш йўлларида ўзгаришларнинг морфофункционал умумийлигини аниқлаш назарий ҳамда амалий стоматологиянинг муҳим муаммоси ҳисобланади. Оғиз билан нафас олиш давомийлигига қараб, тиш-жағ тизимида морфо-функционал ўзгаришларга олиб келиши мумкин, у юқори нафас олиш йўллари билан тузилмали ва функционал яқин боғлиқ. Бурундан нафас олиш қийинлашган болаларда тиш-жағ аномалияси ривожланиш хавфи 2-2,5 марта юқори. Тиш-жағ аномалияси инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг тузатилиши эса вақт, меҳнат ва воситаларнинг кўп миқдорда сарфланишига олиб келади. нафас олиш тизими сурункали касалликлари мавжуд болаларда юз-жағ соҳасида бўладиган ўзгаришларни аниқлаш, ўлчов кўрсаткичларини баҳолаш ва олдини олиш чора татбирлари бўйича тадқиқотлар ўз якунига етгани йўқ ҳамда бу тадқиқотларни давом эттирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизматни соғлиқни сақлаш стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган беморларда стоматологик касалликларни камайтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада “мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган

¹ Felcar J. M. Prevalence of mouth breathing in children from an elementary school // Ciencia & saude coletiva. – 2010. – Т. 15. – N. 2. – С. 427-435.

² Мельникова М.А. Развитие лицевого скелета у детей после ранней потери временных резцов верхней челюсти. / М.А. Мельникова, Е.С. Бимбас, А.С. Шишмарева. // Проблемы стоматологии. - 2017. - № 3 (37). - С. 96 - 99.

тиббий ёрдам самарадорлигини сифати ва оммобоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, тиббий кўрикларнинг самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш”³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда стоматологияда тиш-жағ аномалиялари ва деформацияларини эрта аниқлаб, ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш ва профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда инсоннинг ташқи кўриниши болани вояга етишида муҳим рол ўйнайди. Чиройли табассум, тўғри тишловга эга бўлиш истаги тиш-жағ аномалияларининг турли кўринишларини тузатиш мақсадида шифокор-ортодонтга мурожаат қилиш учун сабаб ҳисобланади. Инсон организмнинг тузилиши ва фаолиятида симметрия ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар топмадик, юз асимметриясининг диагностикаси, бир қарашда, у юзда асосий кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ўзгаришларга олиб келганлиги ва аҳамиятли миқдорда морфологик ва эстетик бузилишлар билан кузатилганлиги туфайли жиддий қийинчиликни ўзида намоён этмайди. Шунга қарамадан, муаллифларнинг мазкур аномалия тарқалганлиги ва патогенези тўғрисидаги фикрлари сезиларли даражада фарқ қилади.

Э. Ю. Николаевнинг (2007) фикрича, маълумотлардаги бундай фарқни, масалан, юз асимметрияси турларининг кўплиги билан тушунтириш мумкин. Булар: скелет, функционал, мушак, бўғим, янги ҳосилалар ёки яллиғланиш жараёнлари натижасида, шунингдек синишдан кейин жағнинг нотўғри битиши оқибатида ривожланган жароҳатдан кейинги асимметрия кабилардир.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармон

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 02.2021. PhD 124 “Бухоро минтақасининг иссиқ иқлим шароитида организмнинг патология ва патология олди ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасида янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2017-2021 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади. Нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларда тиш-жағ аъзолари суяк тизимининг морфофункционал бузилишларига ташхис қўйиш ва морфометрик асосларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош ва юз-жағ суякларининг ўсишида ёшга боғлиқ хусусиятлар, уларнинг тиш-жағ деформациялари мавжуд болалар ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари бўлган болаларда сагиттал ва вертикал кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

меъёрда ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликларида юз соҳаси тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

меъёр ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликларида тиш-жағ тизими дифференциал диагностикасини такомиллаштириш учун турли тана рентгенологик кўрсаткичлари ўртасида клиник ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд тиш-жағ деформацияси бор болаларда иммунологик ва биокимёвий таҳлил натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ёши 6 дан 18 гача бўлган 300 нафар тиш-жағ аномалияси бор нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган ва 480 нафар тиш-жағ аномалияси бор нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари бўлган беморларнинг юз скелети ҳамда тиш-жағ тизими текширилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида морфометрик, рентгенологик, ортодонтик усуллар, клиник-лаборатор тадқиқотлар билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда антропометрик, юз нисбати, жағнинг диагностика моделларини биометрик баҳолаш, иммунофермент, биокимёвий, функционал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиш-жағ аномалияси бор нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлган ва бўлмаган болалар ўсиш даврида тиш-жағ тизимида уларнинг ҳажми, кенглиги, баландлигида кузатиладиган морфометрик ўзгаришлар аниқланган;

тиш-жағ аномалияси бор нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлган ва бўлмаган болалар юз соҳасининг морфометрик шаклланиши босқичларида ушбу тизимдаги аномалия ва деформация турлари, клиник кўринишлари ҳамда мазкур касалликлар дифференциал диагностикасини такомиллаштириш учун турли тана рентгенологик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги исботланган;

нафас олиш тизими сурункали касалликлари бор тиш-жағ деформацияси ташхисланган болаларда ушбу касалликлар аниқланмаган болаларга нисбатан дистал тишлов, дистопия, прогения ва юқори жағ микрогнатияси оғир шакллари учраш даражаси ишонарли кўплиги исботланган;

нафас олиш тизими сурункали касалликлари бор тиш-жағ деформацияси ташхисланган болаларда сўлак ва қон зардобадаги иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар асосида диагностик мезонлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари негизида кечувчи тиш-жағ тизими касалликларида иммун статус бузилиши, тиш қаттиқ тўқималари минераллашувининг бузилиши билан тавсифланувчи, оғиз бўшлиғидаги гипоксик кўринишларнинг баҳолаш мезонлари аниқланган;

нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари негизида кечувчи тиш-жағ тизими касалликларида окклюзия-артикуляция, функционал-морфологик ва эстетик талабларга жавоб берувчи тиш-жағ тизими турғун натижасига эришиш мақсадида ёш бўйича тиш-жағ тизими шаклланиш босқичларида эрта ташхис ва ортодонтик даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари негизида кечувчи тиш-жағ тизими касалликлари мавжуд болаларда тишларни қўшимча патогенетик асосланган ҳимоялаш воситалари сифатида антиоксидант, антигипоксик, антиагрегант қўлланилиши тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий назарий ва амалий ёндашув, юқори услубий даражадан тадқиқот усулларида фойдаланишга асосланган, бу етарли миқдордаги тадқиқотлар, эрта ташхис қўйиш, юз-жағ соҳаси тўқималарида турли хил омиллар таъсиридан кузатилаётган тиш-жағ тизими деформацияларини вақтида ташхислаш орқали, бир бирини тўлдирувчи клиник, стоматологик, иммунологик, биокимёвий, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хослиги кўрсатилган, натижалар ва хулосалар ваколатли органлар томонидан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиш-жағ аномалияси бор нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлган ва бўлмаган болалар ўсиш даврида тиш-жағ тизимида уларнинг ҳажми, кенглиги, баландлигида кузатиладиган морфометрик ўзгаришлар аниқланганлиги, мазкур касалликлар дифференциал диагностикасини такомиллаштириш учун турли тана рентгенологик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги исботланганлиги, дистал тишлов, дистопия, прогения, юқори жағ микрогнатияси оғир шакллари учраш даражасининг ишонарли кўплиги исботланганлиги, сўлак ва қон зардобадаги иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар асосида диагностик мезонлар яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нафас олиш тизими сурункали касалликлари негизида кечувчи тиш-жағ тизими касалликларида иммун статус бузилиши, оғиз бўшлиғидаги гипоксик кўринишларнинг баҳолаш мезонлари аниқланганлиги, окклюзия-артикуляция, функционал-

морфологик ва эстетик талабларга жавоб берувчи тиш-жағ тизими турғун натижасига эришиш мақсадида эрта ташхис ва ортодонтик даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, тишларни кўшимча патогенетик асосланган химоялаш воситалари сифатида антиоксидант, антигипоксант, антиагрегант қўлланилиши тавсия этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нафас олиш тизими сурункали касалликлари мавжуд болаларда тиш-жағ аъзолари суяк тизими шаклланишининг морфометрик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бемор болаларда стоматологик хизматни яхшилаш имконини берувчи “Соғлом болалар ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларни ташхислашнинг клиник ва лаборатория текшириш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 8н-р/826-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўрганилган бемор болаларда иммунологик ва сўлак таркибидаги биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш имконини яратган;

стоматологик касалликлар олдини олишга замин яратувчи “Юқори жағнинг торайиши ва бурундан нафас олиши бузилган болаларни даволаш учун такомиллаштирилган ташхислаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 8н-р/827-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ушбу беморларда стоматологик касалликлар учраши ва уларнинг стоматологик ҳолатига баҳо бериш имконини берган;

нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларда тиш-жағ тизимида суяк аъзолари шаклланишининг морфометрик асослари бўйича олиб борилган тадқиқотдан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Олот, Бухоро туман тиббиёт бирлашмалари, Вобкент ва Ромитан туман стоматологик поликлиникаларига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги № 8 н-з/362-сон маълумотномаси). Натижада диагностика ва даволашнинг янги усуллари қўллаш йўли билан тиббий ёрдам самарадорлиги оширилишига, касаллик асоратларини камайтириш, беморлар амбулатор даволаниш муддатларини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Тиш-жағ аъзолари суяк тизими шаклланишининг морфометрик асослари тўғрисида замонавий қарашлар”** диссертациянинг танланган мавзуси бўйича чет эл ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Ҳозирги вақтда болаларда нафас олиш тизимининг сурункали касалликларида тиш-жағ тизимининг (ТЖТ) аномалия ва деформациялари тарқалиши, тиш-жағ тизиминининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омиллар, нафас олиш тизими бузилишларида ҳамда турли патологик ҳолатларда юз-жағ соҳаси ўлчовларининг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлган болаларда бош ва юз-жағ соҳасини морфометрик ўлчовларини ўрганиш материал ва усуллари”**, нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари (НОТСК) мавжуд болаларда бош, юз, ТЖТ, суяк, тиш ва ёшининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳолаш, уларни антропометрик кўрсаткичларда солиштириш учун нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болаларнинг маълум контингенти тадқиқотга жалб қилинди. Тахминий ўтказилган тадқиқотлар ва танланган ёш гуруҳларининг репрезентативлигининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда текширилувчилар контингенти ҳамда мазкур ёш тоифасида тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

НОТСК мавжуд ТЖА бор 6 ёшдан 18 ёшгача (асосий гуруҳ) бўлган иккала жинсдаги 480 нафар бола олинди; улардан 250 нафари (52,1%) ўғил болалар ва 230 нафари (47,9%) қиз болалар; олинган морфометрик кўрсаткичларни назорат учун 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган, иккала жинсдаги 300 нафар ТЖА бор нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болалар (назорат) гуруҳи олинди; шундан 185 нафари (61,6%) ўғил болалар ва 115 нафари (38,33%) қиз болалар.

Текширилган болаларнинг ёш даври тишларнинг чиқиши, тишлов алмашиш вақти ва ТЖТ шаклланиши босқичлари ҳамда юқори нафас

йўллариининг касалликларида тишлар, тиш қаторлари ва жағлар шаклланиши бузилиши кўп учрайдиган даврлар бўйича 6-9, 10-13, 14-18 ёш гуруҳлари танланган (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган болаларнинг ёш гуруҳи бўйича тавсифи

Болалар ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами
	Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган ўғил болалар	НОТСК мавжуд ўғил болалар	Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган қиз болалар	НОТСК мавжуд қиз болалар	
6-9 ёш	50	75	35	71	231
10-13 ёш	65	80	35	79	259
14-18 ёш	70	95	45	80	290
Жами:	185	250	115	230	780

Барча текширилган болаларда жисмоний ривожланишнинг морфологик маълумотлари (ўрта умум-таълим мактабларининг ўқувчилари, диспансер ҳисобида турган ва Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳамда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида оториноларинголог ва педиатр мутахассисларида даволаниш учун мурожаат қилган болалар) шифокор ва тиббий ҳамшира иштирокида, шу муассасанинг тиббиёт пунктларида ўрганилди. Тадқиқотни бажаришда биз Бутун жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг Хелсинки Декларацияси билан қабул қилинган инсонни жалб қилиш билан тиббий тадқиқотнинг барча этик принципларига риоя қилинган.

Болаларнинг антропометрик тадқиқотлари Шомирзаев Н. Х. ва ҳаммуаллифларнинг (1998) услубий тавсияларига кўра ўтказилган.

Боланинг суяк ёшини аниқлаш учун Жуковский М. А. ва ҳаммуаллифларнинг (1982) томонидан тавсия этилган усул ёрдамида боланинг билак бўғими ва чап қўл панжасининг олинган рентген тасвирлари махсус жадваллар асосида суяк шаклланишининг меъёрий кўрсаткичлари билан солиштирилган.

Тадқиқот учун жалб қилинган болаларда тишлов ҳолатини аниқлаш учун гипс нусхалари олинди ва тишлов ҳолати умумий қабул қилинган усуллар бўйича баҳоланган.

Фотометрик усул ёрдамида юз профили юмшоқ тўқималарининг ҳолати баҳоланди; антропометрия ёрдамида тиш ўлчамлари, трансверсал ва сагиттал тиш қатор ўлчамлари ва апикал базислар, танглай ўлчамлари ўлчанган.

Ортопантомография ёрдамида тишларда периапикал тўқималар ҳолати, саккизинчи тишлар муртаклари мавжудлиги аниқланди ва телерентгенографик (ТРГ) тадқиқот билан бошнинг ён проекциясида ҳалқум ўлчами ўрганилган.

Тадқиқотлар учун болалардан веноз қон ва аралаш сўлак эрталаб, оч қоринга олинди. Қонда шаклли элементлар ҳисоби ЭДТА билан олинган капилляр Sysmex КХ-21 гематологик анализаторда амалга оширилган. Тизимли даражада иммун кўрсаткичлар орасида қон зардобиди Ig кўриб

чиқилди: IgA, IgM, IgG ва IgE. Болаларнинг қон зардобиди юқорида келтирилган Ig таркиби “COBAS-411” анализаторида иммуннофермент усули ёрдамида амалга оширилган.

НОТСК мавжуд ТЖД бор ҳамда НОТСК сиз ТЖД мавжуд болаларда тиббий-ижтимоий жихатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида болаларнинг ҳаёт сифатига стоматологик ҳолатнинг таъсирини баҳолаш учун – Jonu M.Tefal (2002) ва Pahel B.Tefal (2007) бўйича О.О.Яриева (2019) модификацияси асосида таклиф қилинган Oral Health – Related Quality of Life (OHRQoL) анкета-сўровномасидан фойдаланилган. Тадқиқот давомида олинган баллар Microsoft Office Excel – 2007 дастурлар пакети, шу жумладан статистик қайта ишлашнинг ички ўрнатилган функцияларидан фойдаланиш йўли билан “Pentium IV” процессори базасида ЭҲМ да статистик қайта ишланган. Ўрта арифметик (M), ўрта квадратик оғиш(σ), ўртачанинг стандарт хатоси (m), нисбий катталикларни (частота, %) ҳисобга олган ҳолда ва риацияли параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Тиш-жағ тизими аномалияси бор болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг нафас олиш тизимида сурункали касалликлари мавжуд болаларнинг кўрсаткичларининг ўзаро солиштирма характеристикаси”** асосий ва назорат гуруҳлари беморлари морфологик кўрсаткичларининг (бўй, тана вазни, кўкрак қафасининг айланаси) ўзаро солиштирма таҳлил натижалари келтирилган. “Олтин кесим” тамойили асосида нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болалар ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларда суяк ёшининг қиёсий ва бош ва юз-жағ соҳаси ўлчов кўрсаткичларининг солиштирма морфометрик характеристикалари келтирилган.

Тадқиқот гуруҳлари беморларининг бўй, тана вазни, кўкрак қафасининг айланаси каби морфологик кўрсаткичларининг ўзаро солиштирма таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

НОТСК бўлмаган болалар ва НОТСК мавжуд болалар жисмоний ривожланишининг морфометрик кўрсаткичлари (бўй, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси).

Ўш ва жинси Ўлчовлар (см)		6-9 ўш		10-13 ўш		14-18 ўш	
		ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
Бўй	Назорат гуруҳи	124,4±0,48	128,8±0,92	143,9±0,26	145,4±0,53	165,1±0,33	166,1±0,23
	Асосий гуруҳи	122,2±0,28	125,7±0,72	141,8±0,16	143,5±0,63	151,1±0,63	156,1±0,73
Тана вазни	Назорат гуруҳи	24,6±0,33	25,8±0,22*	37,0±0,98	34,2±0,97	61,2±0,77	62,8±0,37
	Асосий гуруҳи	22,6±0,13	24,2±0,42*	36,0±0,48	33,2±0,47	58,1±0,98	60,1±0,27
Кўкрак қафаси	Назорат гуруҳи	62,7±0,38	61,0±0,56	68,2±0,31	69,5±0,36*	81,0±0,46	93,0±0,26

айланаси	Асосий гуруҳи	58,2±0,30	53,3±0,43	60,5±0,2	60,9±0,83*	73,0±0,92	83,9±0,12
----------	---------------	-----------	-----------	----------	------------	-----------	-----------

Изоҳ: * - олдинги ёш билан таққослаганда ишончлилик кўрсаткичи ($P < 0,05$).

“Олтин кесим” тамойили асосида нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болалар ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларда юз қисмларининг морфометрик параметрлари ва уларнинг нисбатлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

НОТСК бўлмаган болалар ва НОТСК мавжуд болаларда юзнинг морфометрик кўрсаткичлари, уларнинг “Олтин кесим” тамойилига мувофиқлиги

Ўши ва жинси		6-9 ёш		10-13 ёш		14-18 ёш	
		ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
Юзнинг физиологик баландлиги	Назорат гуруҳи	17,1±0,10	17,3±0,12*	17,2±0,10	17,5±0,12*	18,8±0,40	19,2±0,02*
	Асосий гуруҳи	16,6±0,07	17±0,05*	16,5±0,08	17,0±0,05*	17,2±0,02	17,4±0,05*
Юзнинг морфологик баландлиги	Назорат гуруҳи	11,5±0,10	11,2±0,12	11,7±0,13	11,3±0,12	11,9±0,22	11,8±0,01
	Асосий гуруҳи	11,1±0,06	11,2±0,04*	11,0±0,07	11,5±0,04*	11,6±0,22	11,6±0,20*
Юзнинг юқори қисмини баландлиги	Назорат гуруҳи	5,8±0,05	5,8±0,05	5,8±0,05	5,8±0,05	5,9±0,08	5,9±0,08
	Асосий гуруҳи	5,6±0,03	5,7±0,02	5,7±0,03	5,7±0,02	5,9±0,07	5,9±0,08
Юзнинг ўрта қисмининг баландлиги	Назорат гуруҳи	5,7±0,05	5,9±0,05*	5,8±0,05	5,9±0,05*	5,9±0,08	6,0±0,08*
	Асосий гуруҳи	5,5±0,03	5,8±0,02*	5,6±0,03	5,8±0,02*	5,8±0,08	5,9±0,01*
Юзнинг пастки қисмининг баландлиги	Назорат гуруҳи	5,7±0,05	5,9±0,05*	5,8±0,05	5,9±0,05*	6,0±0,05	6,0±0,05*
	Асосий гуруҳи	5,7±0,03	5,6±0,02	5,7±0,03	5,6±0,02	5,8±0,08	5,8±0,07
Фибоначчи рақами	Назорат гуруҳи	1:1,611	1:1,60	1:1,619	1:1,60	1:1,680	1:1,70
	Асосий гуруҳи	1:1,585	1:1,630	1:1,601	1:1,630	1:1,620	1:1,640

Изоҳ: * - олдинги ёш билан таққослаганда ишончлилик кўрсаткичи ($P < 0,05$).

НОТСК мавжуд тиш-жағ тизимида аномалия бор болаларда юзнинг физиологик ва морфологик баландлиги НОТСК бўлмаган тиш-жағ тизимда аномалияси бор болаларниқига нисбатан кичик эканлиги аниқланди. Тиш-жағ тизимида аномалияси бор болаларда юз антропометрик кўрсаткичларининг ўсиш тезлиги ёшга боғлиқ ҳолда бир хил боради, НОТСК мавжуд тиш-жағ тизимида аномалия бор болаларда эса ўсиш тезлиги ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда кескин фарқ билан ўзгаради. Тиш-жағ тизимида аномалияси бор ўғил болаларда ўсиш тезлиги НОТСК мавжуд тиш-жағ тизимида аномалия бор ўғил болалардагидан кўра паст.

Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болалар ва нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари мавжуд болаларда бош ва

юз-жағ соҳаси ўлчов кўрсаткичларининг солиштирма морфометрик характеристикалари 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

Бош ва юз-жағ соҳаси кўрсаткичларининг морфометрик характеристикаси

Ўлчовлар (см) / Ёши ва жинси		6-9 ёш		10-13 ёш		14-18 ёш	
		ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
Бош айланаси	Назорат гуруҳи	51,8±0,24	52,5±0,1	54,9±0,14*	53,4±0,14	55,7±0,14*	54,0±0,24*
	Асосий гуруҳи	48,8±0,22	51,4±0,82	52,1±0,40*	52,2±0,24	53,2±0,40*	50,0±0,94
Бошнинг бўйлама диаметри	Назорат гуруҳи	15,0±0,42	15,9±0,02	17,8±0,03*	16,2±0,05	18,6±0,13*	20,0±0,10*
	Асосий гуруҳи	14,8±0,14	14,9±0,42	16,0±0,90*	15,0±0,05	16,5±0,40*	18,0±0,63*
Бошнинг кўндаланг хажми	Назорат гуруҳи	12,8±0,56	13,9±0,25	15,5±0,19*	14,0±0,02	16,0±0,10*	16,2±0,20*
	Асосий гуруҳи	12,0±0,16	12,5±0,46	13,2±0,11	13,2±0,22	13,8±0,11	15,2±0,40*
Пешонани кўндаланг хажми	Назорат гуруҳи	11,4±0,18	10,6±0,22	13,6±0,10*	11,1±0,06	14,8±0,10*	13,4±0,10*
	Асосий гуруҳи	11,2±0,06	11,0±0,22	11,4±0,28	10,4±0,46	11,8±0,48	11,8±0,40
Бошнинг вертикал диаметри	Назорат гуруҳи	11,8±0,1	12,6±0,23	15,1±0,10*	12,9±0,06	16,2±0,10*	18,0±0,10*
	Асосий гуруҳи	12,0±0,04	11,8±0,23	13,0±0,98	12,2±0,06	14,0±0,98*	16,0±0,80*

Изоҳ: - олдинги ёш билан таққослаганда ишончлилик кўрсаткичи ($P < 0,05$).

НОТСК мавжуд 6-9, 10-13 ва 14-18 ёшли ўғил болаларда ҳамда НОТСК мавжуд шу ёшдаги қиз болаларда ёш билан боғлиқ бўлган бош ва юз ўлчамларининг тобора нотекис ўсиши кузатишган, ёш катталашиси билан ўлчамлар катталашиси ҳам кузатишган. Бош айланаси бўйича ишончли фарқлар 10-13 ва 14-18 ёшда деярли барча гуруҳларда аниқланган. Бошнинг бўйлама диаметри бўйича ишончли фарқ 14-18 ёшда кузатишган ($p > 0,05$). Бошнинг кўндаланг ўлчами бўйича аввалги ёшга нисбатан ишончли фарқ ($p > 0,05$) 6-9 ва 10-13 ёшда аниқланган.



1-расм. НОТСК бўлмаган болалар ва НОТСК мавжуд болаларда ёноқ ва п/ж диаметри

Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган ҳамда нафас олиш тизимида сурункали касалликлари мавжуд иккала жинс болаларда юз ўлчовларидан ёноқ диаметри ва п/ж ўрганилган (1-расмга қаранг).

Шундай қилиб юқорида келтирилган маълумотлардан, 6-9 ёш ва 10-13 ёшли тадқиқот гуруҳ болаларнинг боши ва юзининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича биз олган натижалар, барча ўлчамлар болалар ёшининг катталашishi билан яқин боғлиқликда тобора ортиб боришини кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссетацяннинг тўртинчи бобида **“Нафас олиш тизимида сурункали касалликлари мавжуд болаларнинг тиш-жағ тизими деформациялари ривожланиши ва шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг морфометрик характеристикаси”** беморларни ТЖД ва бурундан нафас олиш бузилишларига (БНБ) боғлиқ равишда турли текширилган болалар гуруҳларида тиш-жағ тизими деформациялари ривожланиши ва шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг морфометрик характеристикаси ўртасидаги фарқлар ўзаро солиштирма таҳлил натижалари келтирилган. Текширилганлар Персин Л. С. ва МКБ-10 таснифланишига мувофиқ окклюзия тури бўйича гуруҳларга ажратилган: дистал окклюзияли (ДО), мезиал окклюзия (МО), кесишган окклюзия (КО) ва физиологик окклюзия (ФО), шунингдек НОТСК мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ равишда ЛОР-анамнезисиз ва НОТСК мавжуд болалар кичик гуруҳларига ажратилган.

Олинган натижалар НОТСК мавжуд 150 нафар текширилганлардан ДО – 55 нафар, МО – 30 нафар, КО – 33 нафар болада мавжудлиги ҳамда 32 нафар бола физиологик окклюзия (ФО) билан НОТСК мавжуд эмаслигини кўрсатилган. Физиологик окклюзияли ва ТЖА мавжуд гуруҳларда ижобий ЛОР-анамнез частотасидаги фарқ ишончли бўлган. НОТСК мавжуд барча беморлар орасида физиологик окклюзия аниқланмаган, 100% ҳолатда – окклюзиянинг турли аномалиялари аниқланган: ДО – 47%, МО – 25% ва КО – 28%.

Турли окклюзия бузилишлари кузатилган беморларнинг юзлари фотометрик кўрсаткичлари бўйича ТЖТ морфометрик ўзига хосликлари ДО ва МО ўртасида барча кўрсаткичлар бўйича, МО ва КО ўртасида аксарият кўрсаткичлар бўйича, ДО ва КО ўртасида баъзи кўрсаткичлар бўйича юқори ишончли фарқни кўрсатилган. НОТСК ДО кузатилган беморларда бурун-лаб бурчагининг ишончли кичрайишида – 4,2% да ва бу бурчакнинг МО да ортишида – 5,2% да акс этган; анамнезда НОТСК мавжудлигида МО ва КО кузатилган гуруҳларда бурчакларнинг кичрайиши супраментал соҳада – МО да 11,8% ва КО да 7,7% ҳолатда; юз бўртиқлиги – МО да 4,1% ва КО да 7,8% ҳолатда; юзнинг ўрта қисми – МО да 5,1% ва КО да 6,2% ҳолатда кузатилган. БНБ бўлган ва нафас олиш тизимида сурункали касалликлари бўлмаган болалар ўртасида бурчак кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ КО кузатилган гуруҳларда яққол намоён бўлган.

Шундай қилиб, фотометрик тадқиқот натижаларида НОТСК мавжуд болаларда юз характеристикаларининг номувофиқ чуқурлашиши кузатилган.

Жағларнинг диагностик моделлари ўрганилганида турли окклюзия мавжуд гуруҳларда тиш қаторлари ва апикал базисларнинг узунлиги ва кенглиги аниқланган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

НОТСК бўлмаган болалар ва НОТСК мавжуд болаларда тишлов аномалияларининг учраши.

Ўши	Тиш-жағ тизимида аномалияси бор болалар (n=300)						НОТСК мавжуд тиш-жағ тизими деформацияси бор болалар (n=480)					
	6-9 ёш (n=85)		10-13 ёш (n=100)		14-18 ёш (n=115)		6-9 ёш (n=146)		10-13 ёш (n=159)		14-18 ёш (n=175)	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Тишлов тури												
Дистал	9	10,6	9	9	9	7,8	2	1,4	2	1,3	2	1,1
Тескари	3	3,5	3	3	3	2,6	3	2,1	3	1,9	4	2,3
Очиқ	4	4,7	2	2	2	1,7	4	2,7	7	4,4	9	5,1
Чуқур	8	9,4	7	7	5	4,3	2	1,4	3	1,9	4	2,3
Бипрогнатик	2	2,4	1	1	-	-	2	1,4	4	2,5	5	2,9
Протрузия	4	4,7	4	4	4	3,5	4	2,7	7	4,4	7	4
Кесишган	2	2,4	2	2	2	1,7	2	1,4	2	1,3	2	1,1
Мезиал	9	10,6	9	9	8	6,9	17	11,6	22	13,8	26	14,9
Жами	41	48	37	37	24	20,9	36	24,7	50	31,4	59	33,7

НОТСК да ю/ж ва п/ж да биринчи премолярлар ўртасида, шунингдек ю/ж да биринчи молярлар ўртасидаги масофа норма билан таққослаганда ишончли даражада камайганлиги (6,4% га) кузатилган. Окклюзиянинг турли аномалиялари кузатилган гуруҳларда норма билан таққослаганда НОТСК да тиш қаторларининг торайиш тенденцияси кузатилган: 14, 24 тишлар орасида – ДО да 5,9% ва КО да 10,2%; 34, 44 тишлар орасида – ДО да 6,5%, МО да 7,5% ва КО да 8,9%; 16, 26 тишлар орасида – ДО да 7,2% ва КО да 8,5%. НОТСК да ю/ж тиш қаторларида олд кесим узунлиги ишончли катта бўлган. Гипс моделидаги ҳисоблар, танглайнинг энг катта узунлиги МО кузатилган беморларга хослигини кўрсатилган (34,0±0,5 мм.). КО да танглай узунлигининг қиймати оралик (32±0,4 мм.), ДО да эса – энг кичик (30,8±0,6 мм.). ФО кузатилган беморларда танглай кенглиги максимум (36,9±0,4 мм.) ва МП ва КО да энг кичик бўлган (мос равишда 33,5±0,4 мм ва 34,1±0,9 мм.). ДО да танглай кенглиги оралик қийматга эга бўлган. Танглай чуқурлиги ўрганилган тўрт кичик гуруҳда фарқ қилмаган, алфа бурчак эса МО да мин. (24,5±1,9 мм.) ва ДО да макс. бўлган (33,7±1,2 мм.). ФО да танглай чуқурлиги бўйича статистик ишончли (p>0,05) фарқ аниқланган: НОТСК мавжуд беморларда 16,9±0,2 мм. МО кузатилган беморларда жағларнинг ўлчам ва ҳолатлари (81,4±1,8 мм.) таққосланган, ДО ва КО да узунлик деярли бир хил бўлганлиги ва мос равишда 75,5±0,9 мм ва 75,8±0,8 мм.ни ташкил қилганлигини кўрсатилган, бу ияк узунлигининг ортиши билан изоҳланган (6-жадвалга қаранг). Ю/ж (A'-Snр) асосининг узунлиги эса меъёрга нисбатан фақат ДО да ошган (мос равишда 48,3±0,5 мм. ва 44,5±0,8 мм.); п/ж бурчаги (Ar Go Me) МО да меъёрга нисбатан ишончли ўсган. SNB бурчаги шунингдек МО да ишончли ошган ва ДО да эса аксинча ишончли камайган, ПО да эса деярли меъёрга яқин бўлган. ДО да НОТСК ю/ж асоси узунлигининг 3,9% га ва п/ж тармоғининг узунлиги – 4,7% га ортиши, п/ж бурчагининг – 2,0% га

камайиши, ю/ж ҳолати бурчагининг - 5,1% га, шунингдек ю/ж асоси текислигининг бош суяк олд бўлимига нисбатан оғиш бурчагининг кичрайиши (15,9% га) билан кузатилган. Бундан ташқари, орт юқори тиш-алвеоляр баландликнинг 6% га кичрайиши орт пастки тиш-алвеоляр баландликнинг 4,8% га ортиши аниқланган. НОТСК мавжуд беморларда МО да п/ж бурчагининг 3,8% га, п/ж апикал базисининг олд бўлим ҳолатининг бурчаги 7,4% га, шунингдек ю/ж кесувчиларининг оғиш бурчаги (12% га) катталашиши ҳамда п/ж тиш-алвеоляр баландлигининг камайиши (10% га) кузатилган.

6-жадвал

НОТСК бўлмаган болалар ва НОТСК мавжуд болаларда тиш қаторларининг нуқсонлари.

Ёши Тишлов	Тиш-жағ тизимида аномалияси бор болалар (n=300)							НОТСК мавжуд тиш-жағ тизими деформацияси бор болалар (n=480)						
	Жа ми	6-9 ёш (n=85)		10-13 ёш (n=100)		14-18 ёш (n=115)		Жа ми	6-9 ёш (n=146)		10-13 ёш (n=159)		14-18 ёш (n=175)	
		abs	%	abs	%	abs	%		abs	%	abs	%	abs	%
Дистопия	25	8	9,4	8	9,4	9	10,6	48	14	5,5	16	6,3	18	7,1
Инфраоклюзия	34	13	15,3	14	16,5	7	8,2	167	48	19	56	22,2	63	25
Тиш қаторини сиқилиши п/ж	17	7	8,2	5	5	5	4,3	30	7	4,8	11	6,9	12	6,9
Тиш қаторини сиқилиши ю/ж	20	8	9,4	6	6	6	5,2	41	8	5,5	16	10,1	17	9,7
Диастема	16	6	7,05	8	9,4	2	2,3	15	4	1,6	5	1,9	6	2,4
Супраоклюзия	10	3	3,5	4	4,7	3	3,5	22	7	2,7	7	2,7	8	3,2
Жами	122/ 40,7 %	45	52,9 %	45	45%	32	27,8 %	323/ 67, 3%	88	60,3 %	111	69,8 %	124	70, 9%

Ю/ж турли даражада торайган, иккала гуруҳдан 10-18 ёшли 60 нафар (асосий гуруҳда (30 нафар) ю/ж яққол торайган болалар (трансверзал танглай кенглик 35 ммдан ортиқ эмас; назорат гуруҳ (30 нафар бола) ю/ж етарлича кенг бўлган) болада ён ТРГ ларнинг цефалометрик таҳлили ўтказилган (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал.

ОПТГ да проекцияли катталиқ КНКТ билан таққослаган

Ю/ж ўрганилган кўрсаткичлар	ОПТГ (M±m)	КНКТ (M±m)	Қиймат	Ишончилиги (M±m)
Марказий курак тишларни тож қисмининг баландлиги.	30,3±0,49	23,91±0,43	p<0,05	21,09±0,67
Ён курак тишларни тож қисмининг баландлиги.	28,53±0,89	22,3±0,36	p<0,05	19,99±1,65
Марказий курак тишларни тож қисмининг мезиодистал ўлчами	8,95±0,17	7,84±0,16	p<0,05	12,62±1,6
Ён курак тишларни тож қисмининг мезиодистал ўлчами	7,32±0,24	6,48±0,16	p<0,05	11,7±1,65
Курак тишларни тож қисмини баландлик сегменти.	16,65±1,07	15,64±1,07	p>0,05	6,027±1,5
Курак тишларни тож қисмини мезиодистал сегменти.	31,2±0,9	26,42±0,74	p<0,05	15,11±1,8

